

**Исматулло ЙУЛДОШЕВ**

# **ЎЗИМНИ ТИНГЛАБ**

**“Zarafshon” нашриёти,  
Самарқанд – 2014**

УЎК: 821.512.133-1

84(5Ў)7

Й 72

Йўлдошев, Исламулло.

Ўзимни тинглаб / И.Йўлдошев. – Самарқанд: “Zarafshon” нашриёти, 2014. – 68 б.

КБК 84(5Ў)7

Тақризчи: Нурулло Остон. Ўзбекистон  
Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси.

Шеърият шундай бир илоҳий хилқатки, у сохталикни ҳам, кўчирмачиликни ҳам, юзакилкни ҳам ёқтиромайди. Ундаги туйгулар соф, самимий, гўзал ва бокира бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам шеъриятни кўнгиллар мулоқоти, дейишади. Агарда шеърдаги туйгулар юқорида санаб ўтилган ташбеҳларга мос келмас экан, кўнгилларро мулоқот ҳам самимий кечмайди. Баайнини, шеър шоир кўнглидан китобхон ёки шеърхон кўнглига кириб бора олмайди.

Таниқли ижодкор Исламулло Йўлдошев кейинги пайтда Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган рубойй жанрида ҳам қаламини синааб кўрмоқда. Унинг “Ҳавас”, “Бир ҳовуч офтоб”, “Кўнгил ёғдуси”, “Бешикдаги чур”, “Ишқ меҳроби”, “Қалб ҷароги”, “Меҳр”, “На пути к истине” рубоййлар тўпламлари нозиктаъб китобхонлар томонидан илиқ баҳоланди.

Кўлингиздаги “Ўзимни тинглаб” шеърий тўплами ижодкор тафаккурининг бетакрор лаҳзалар оғушидаги порлоқ парвозининг навбатдаги мәҳсулидири.

ISBN 978-9943-4288-1-2

© Исламулло Йўлдошев,  
© “Zarafshon” нашриёти ДК, 2014.

## ҚУШ ТИЛИ

Субҳидам кўксимдан таралар бир сас,  
Ўзимнинг овоэзим ўзимга ёқмас.  
Энди қуш бўлиб сайрай бошлайман,  
Энди чечак бўлур мен олган нафас.

Дунё тингламади қанча сўйласам,  
Кўзимда ёш ила куларман ҳайҳот.  
Не қилсам қилдимку энди ўйласам,  
Лекин тан олмади бу айёр ҳаёт!

Дунёга бокурман лоқайд, бепарво,  
Ҳеч ким тингламайди энди додимни,  
Энди қуш тилида янграйди наво,  
Гарчанд унутсалар ҳатто номимни!

Гар сени унутсам ёдингни тутиб,  
Ортингдан ел бўлиб йиглаб чопурман.  
Гар сени унутсам ўзни унутиб —  
Йўқотган маҳалим яна топурман.

**ДИЙДОР**  
*Ҳайдар отага*

Фарзандларга меҳру жон нисор этдинг,  
Дўстларга қалбингни гулизор этдинг,  
Ўзгалар ғамидан дилни чок айлаб —  
Бир умр мушфику ғамгузор ўтдинг.

\*\*\*

Ёру дўстга ғамхўр эдинг садоқатда,  
Сендай мард кўрмадим иймон, диёнатда.  
Ҳар дам ёд олиб энди кўнгил ибодатда,  
Дийдор қолди кўришганда қиёматда.

25.12.2013 й.

**ТУЗ ҲАҚИ**

Бўлсанг ҳамки оламда танҳо,  
Камар тақиб зардан белингга.  
Туз ҳақини оқламасанг гар —  
Бегонасан туққан элингга.

## ҚУТЛОВ

*Светлана Ортикова хонимга*

Соҳиби фармондорлик Сиз учун ярашгайдыр,  
Ватанни севгандарга Аллоҳ ҳам қараашгайдыр.  
Ер юзининг ҳурлари, қалбимиз султони Сиз,  
Тақдиди илоҳийнинг ишқ деган чилтони Сиз!  
Лол эрур меҳрингиға чароғон сирли осмон,  
Аслида ҳаётингиз тугалмас гўзал достон!  
Нажот излар мазлумлар дардига бўлиб қалқон,  
Адолат посбонисиз, қонун аҳлига сорбон.  
Ҳалқим сира унутмас эл севар Ойдинларин,  
Ой бўлиб яшанг энди, кун бўлиб, кундуз бўлиб —  
Нафосат осмонида бир гўзал юлдуз бўлиб!

*01.01.2014 йил*

## БАГИШЛОВ

*Шуҳрат Шаропович Узоковга*

Мустақиллик мангуликка пойдевор,  
Насиб этди йигирма икки дийдор.  
Бу тўйларга улушингиз бекиёс,  
Сиз ҳар қанча эътирофга сазовор.

Умр карвон, манзиллари асотир,  
Бу йўллардан юрди қанча баҳодир.  
Адолатдан паноҳ топди кўнгиллар,  
Адолатдан ўзга йўллар хатодир.

Қузгун пастга, бургут кўкка қарайди,  
Жасур ўғлон эл дардини сўрайди.  
Адолатнинг шамширига жон тиккан,  
Сиздек инсон юрт корига ярайди.

Карвон йўли бўлмагай ҳеч бехатар,  
Галамислар пистирмадан тош отар.  
Омон бўлинг улуг карвон йўлида,  
Итлар ҳуарар, карвон йўлида кетар.

Ҳар бандага бергай ризқу рўзини,  
Огоҳ бўлса асрагай ўз-ўзини.  
Сиз яшайсиз мудом огоҳ, мудом шай,  
Оқлаб она Ватан, эл-юрт тузини.

Адолатни маёқ қилган қалбингиз,  
Эл дардида уйғоқ зукко таъбингиз.  
Юртбошимдай соҳибқирон юртида,  
Ҳақ йўлида эгилмасин бошингиз.

Ўзбекистон — етти жаннат эшёни,  
Етти иқлим, рўйи замин бўстони.  
Дарвозаси дунёга кенг очилган —  
Шу ватанинг очиқ бўлсин осмони.

Адашганлар кўпdir ҳурлик замонда,  
Ёўлин топган яшар омон-омонда.  
Жаҳолатга адолатни пеш қилиб,  
Жонфидосиз иймон деган қўргонда.

Сизни эл-юрт назаридан қўймасин,  
Ёшларингиз аср билан бўйласин.  
Исматулло шул муборак айёмда,  
Шуҳратжонни қадаҳ сўзла қутласин!

## МУСЛИМБЕК

*Сухандон укам Муслимбек Йўлдошга*

Яхши одам асли ҳаёт нақшида,  
Бу гул умр мисли сирли тилсимдек.  
Ўз қалбини элга айлаб бахшида  
Ватан ичра қадр топган Муслимбек!

Шараф бўлди унга ойнайи жаҳон,  
Чорак аср «Ахборот»да сухандон.  
Меҳридан сув ичган дўсту қадрдон,  
Дўстлар аро меҳр топган Муслимбек!

Мардлар бўлар шундоқ кўркам сийратли,  
Қомати тик, хушёр, гайратли.  
Шеърларидан ой нигоҳлар ҳайратли,  
Шеъриятдан сеҳр топган Муслимбек!

Асли дўстлар чин саодат дуода,  
Қўл ишда-ю, кўнгил доим Ҳудода.  
Ҳажга йўллаб меҳри бўлди зиёда—  
Онасидан дуо олган Муслимбек!

Дийдор ширин дейди, тотли забони,  
Ёшартириб Насибахон момони,  
Дуо қиласар ҳар кун юзта меҳмони —  
Кўнгилларга зиё соглан Муслимбек!

Бугун яна ёш қўшилди ёшинингга,  
Элнинг меҳри гултож бўлсин бошингга.  
Баланд парвоз ярашади лочинга —  
АЗИЗ умринг нурга тўлсин Муслимбек!

## ҚУТЛОВНОМА

*Камтарин инсон*

*Муродулло Махмудовичга багишилганади*

Күшинг бўлса қарчигайдек қанотли,  
Отинг бўлса дунё кезсанг гиротли,  
Дўстинг бўлса Муродуллодек саботли,  
Қутлуг кунлар муборакбод азизим!

Сизга бўлсин кўнгилдаги тилаклар,  
Юрт ишқида толиқмасин билаклар,  
Миннатдордир сиздан қанча юраклар,  
Таваллуд кун муборакбод азизим!

Маърифатнинг бўстонида посбонсиз,  
Ёш авлодга зиё берган инсонсиз,  
Камтарликда сиз соҳиби замонсиз,  
Айёмингиз муборакбод азизим!

Тилагим шу умрингиз бўлсин пойдор,  
Сиздай инсон Ватан учун ифтихор,  
Исматулло қутлаб айтади алёр,  
Тугилган кун муборакбод азизим!

## АДОЛАТ ШАМШИРИ

*H. Латибжоновга*

Агар инсон огоҳ әрур — шоҳ әрур,  
Гофил милат бор будини бой берур.  
Бошимиздан не суронлар ўтмади —  
Буни фақат Сиз билурсиз — Ҳақ билур!

Адолатни маёқ қилган қалбингиз,  
Ганимларни даф айламоқ ҳаддингиз.  
Дўстлар учун шону шараф ҳам ибрат,  
Ҳақ йўлинда әгилмаган қаддингиз!

Ҳур, озод юрт мард Темурдан меросдир,  
Бўйин эгмоқ босқинчига ихлосдир.  
Андижоннинг шарафи, ҳам шонисиз —  
Аждодингиз Бобур, ҳам шер барлосдир.

Сизни жанглар етишидири камолга,  
Ганим горат, юз бурдику заволга.  
Бошимизда әрк қуёши нур сочар —  
Етказгани чин бўлсинда висолга.

Нокас қавми элин этар сайди жон,  
Эл қўзгалса талотўмда банди жон.  
Адолатнинг ёви ким, қалқони ким —  
Англаб етди аҳли фозил Андижон.

Карвон йўли бўлгайми ҳеч бехатар,  
Ғаламислар пистирмадан тош отар.  
Човут солса агар йўлбарс даъфатан,  
Юз шоқолни бир ҳамлада даф этар.

Андижонда пайдо бўлди бир кобир,  
Нонкўрлиги дилга солар хавотир.  
Йўлдан уриб, гумроҳ нафс қулларин,  
Гумроҳларга ваъда қилас жавоҳир.

Адашганлар қўрқиб, доим ўлимдан,  
Башорат сўрайди, исқирт лўлидан.  
Адашган бандага Ҳақни эш қилиб,  
Қайтардингиз аста ушлаб қўлидан.

Одил Ёқуб Сизни мард ўглим деди,  
Омон бўл, эй қўзлари чўглим деди.  
Марду майдон уканг Муҳаммад Юсуф —  
Масжидга гишт әлтганим, тўгрими деди!

Мардлар завол билмас, Яратган сақлар,  
Эл алқаса Тангрим мардларин алқар.  
Тан олмаган чоги ички душманлар —  
Қалқон бўлди Сизга ҳар битта асқар!

Шоирлар сафида шоир бўлдингиз,  
Курашларда ибрат, моҳир бўлдингиз,  
Шу Ватанга жонни тикиб бегараз —  
Мангаликка доим досир бўлиб юрдингиз.

*Исматулло Узбушев*

Эй Анжоннинг мард ўглони, тантиси,  
Таъзимдадир оқили ҳам андиси.  
Ёвлар билан олишдингиз шер каби,  
Сиз садоқат, чин дўстликнинг баандиси!

Сизни Аллоҳ ҳеч назардан қўймасин,  
Ёшларингиз аср ила бўйласин.  
Исматулло шул муборак айёмда  
Қадаҳ тутиб қасидалар сўйласин!

1997 йил,  
Андижон.

## АҲАД ЭҲСОН

*Қутлов*

Бир томони Тошкент, бир ён Туркистон,  
Бир томон Тиёншон, Помир зеб жаҳон.  
Қулоқ очлар Фарғонаю, Андижон,  
Буюк Ипак йўлида зебигардан Самарқанд,  
Аҳад Эҳсон ватани жаннатмакон Самарқанд!

Бу маконнинг ултони кўп, чилтони кўп,  
Дарвешидан шоир мижоз султони кўп.  
Париж, Лондону Рум каби қўргони кўп,  
Бул жаҳон айвонида марду майдон биттадур,  
Матонат майдонида Аҳад Эҳсон биттадир.

Қутлар Аҳад Эҳсонни алиқомат лочинлари,  
Замонамиз Алномиши ҳам гўзал Барчинлари.  
Шай турипти хизматида лочинлари —  
Беш мучални бўйлаган наҳор муборак,  
Аҳад Эҳсон оғага қутлуг баҳор муборак.

Шогирдлари кўп бисёр, баҳтнинг ўзи шунга-шу,  
Қутлаб келар, дўсту ёр, ризқу рўзи шунга-шу!  
Қадаҳ сўзлар баҳона, йигит сўзи шунга-шу!  
Тўйга тўйлар улансин, баҳтмизга сог бўлинг,  
Қуёш балққан заминда осмон ўпар тог бўлинг!

Табрик учун дўсту ёр навбат кутар рўйхатда.  
Тўёнамиз шунга шу, қолган гаплар тўйхатда.  
Бул умр ҳам аслида бир гўзал саёҳатда,  
Ҳамиша юзи ёргуғ Аҳад Эҳсон бор бўлсин,  
Саховат, саодатда баҳти барқарор бўлсин!

## ҚОНУН ПОСБОНЛАРИ

*Ўзбекистон Ички ишлар  
вазирилиги генерал полковниги  
Зокиржон Алматовга*

Юртим боғларида улуг чинорлар,  
Офтобга талпиниб кўкка бўй чўзар.  
Бунда қанот қоққан лочинлар, сорлар,  
Юксак қояларда жамол кўргаз.

Борлиқнинг эгаси Яратган Эгам,  
Суйган бандасини қўллагай ўзи.  
Бандаси аланглаб йўлдан адашса,  
Тўгри йўлларига йўлмагай ўзи.

Бамисли бургутлар тоглардан ошибб,  
Юксак қояларни эттандек ишгол.  
Ватанинг мард, жасур ўтлонларига —  
Буюк имконларни берди Истиқлол!

Ватан бу аслида гўзал Туркистон,  
Жаҳонгир Темурнинг буюк тимсоли.  
Шукурким, юрт излаб кезмадик сарсон —  
Ватан деб қон ютган Бобур мисоли!

## Чолатулио Үйлодашев

Эрк шамоли эсди, юксалди гуурп,  
Зулм ҳам етишди ниҳоясига.  
Мотрудий, Яссавий набиралари —  
Отланди инсонлар ҳимоясига.

Мазлумлар күзидаң ёшни аритиб,  
Улуг йўлга бизни бошлади сарбон.  
Офтоб зиёсини тўсган зулматга —  
Ватанинг мардлари бўлдилар қалқон.

Барчага аён шу азал ҳандаса,  
Қонун йўқ жойдадир зўрлик, залолат.  
Қозилар аланглаб, қонун инграса,  
Бундан озор чекиб додларadolат.

Минг йиллар оҳ чекди қани деб ҳаққим,  
Шукурким, тикланди топталган номус.  
Шукурким, ўзлигин таниди халқим —  
Юртимда илк бора яралди қомус!

Юртим сарҳадлари чексиз, бепоён,  
Унинг осойиши бўйинингиздадир.  
Баъзида ёвлар ҳам дўстдек меҳрибон,  
Гоҳида илондай қўйинингиздадир.

Сиз доим сафарбар уйқусиз тунлар,  
Тинчликни сақлаб юрт овулларда.  
Ҳавотирда кечар безовта кунлар,  
Ёзнинг иссиги, қиши довулларда.

---

---

*Ўзимни тинчлаб*

Гофиллар билмайди, ҳушёр зот англар,  
Ватан деб кўпирав томирдаги қон.  
Покиза дилларни фаришта тинглар,  
Қанча фитналарга бўлдингиз қалқон.

Доимо ҳушёrsиз, доимо шайсиз,  
Жонажон Ватанинг тузини оқлаб.  
Одамлар ухлайди, Сиз-чи, тинмайсиз —  
Эртадан кечгача тинчликни сақлаб.

Сиз боис Ватан тинч, ҳаёт бардавом,  
Вазир ҳам, савдогар ухлар хотиржам.  
Боғларда ошиқлар висолдан сармаст —  
Бари тинчлик деган сўзда жамул-жам!

Ватан хизматига шай турмоқ шараф,  
Шарафдир оғалар тузин оқласак.  
Мехру муҳаббатдан ёришгай атроф —  
Инсонлик шаънини Сиздек сақласак!

1998 йил.

## УМР САВДОСИ

Ҳар кимсанинг бошида  
Ташвиши, савдоси бор.  
Хоҳи шоҳдир -- хоҳи гадо  
Тақдирнинг тавгоси бор.

Бизни Тангрим яратиб,  
Этмиш яна турфа ранг.  
Эл ичра қанча галча  
Шунга доно бор қаранг.

Бу дунёда меҳмонмиз,  
Мезбондир она замин --  
ТАроузси, тоши бор,  
Гарк этур яғмоси чин.

Ҳақ сўзидан гапирсанг,  
Қулоқ солмагай беор.  
Яхши ишқи кўп қилсанг  
Тангрининг савгоси бор.

## ЎЗИМНИ ТИНГЛАБ

Эй Одам бола<sup>с</sup>и  
Ногоҳ йиқилма.  
Инсонсан, табаррук  
Худойим сўйган.  
Гар душманинг бўлса  
Пичоқли бўлсин,  
Мени душманларим  
Бепичноқ сўйган.

Ўзимдан ўтганин  
Ўзим биламан,  
Мен сукут сақладим  
Дунёни англаб.  
Сен сўзимни тинглаб  
Йиглайсан ҳатто,  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Одам боласисан  
Мангу обод бўл,  
Уйингга тўлмасин  
Бевақт гам-йиги.  
Худодан сўрасанг  
Нур қилиб берсин,  
Кўксингга ботмасин  
Ғанимнинг тиги.

Тоабад саодат  
Тиланмиш одам,  
Гарчи, разолатдан  
Юрак бәгри қон.  
Мудҳиш гуноҳларни  
Содир этиб сўнг,  
Пушаймонда қақшаб  
Яшайсан ҳар он!

Менга ҳам қийиндир  
Жондан ўтганда,  
Кўнглимда йиглайди  
Минг бир армонлар.  
Бир кам дунё деган  
Шу бўлса керак,  
Бириси кенг феълу,  
Бири нозик таъб —  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Эй Одам боласи  
Эй гофил инсон,  
Ўчогингда олов  
Ўчмасин мангур.  
Тик боқиб кўзингга  
Тиқарлар тикон.  
Дўстларинг шароб дея  
Берурлар оғу.

Бириси ўзбегу,  
Бириси араб —  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Эй Одам боласи  
Қўзларингни оч,  
Кўр ҳам ҳассасини  
Йўқотар бир бор.  
Қанча балоларни  
Бошдан ўтказдим.  
Базида ютдиму  
Баъзан ютқаздим.  
Яратганга мудом  
Шукурки англаб,  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Бошимдан ўтказдим  
Оғир дамларни.  
Шодон кунларни ҳам,  
Қайгули тунни.  
Шуларни әсласам  
Тунларим бедор.  
Тоғларни кезаман  
Сархуш саланглаб —  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Қашшоқлик таъмини  
Татиб кўрганман,  
Қанча ёшли кўзни  
Артиб қўйганман.  
Бул ҳаёт мисоли  
Бир пиллапоя,  
Охири кўринмас  
Тор зинапоя.

Юксалар экансан  
Ушбу зинадан,  
Разм сол атрофга —  
Ёлгиз эмассан.  
Ҳар кимнинг ўзгача  
Тақдир битиги,  
Тавбалар қилурман  
Лабларим қақраб —  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб.

Учратдим ҳаётда  
Турфа касларни,  
Айёру, нотавон  
Ношуд насларни.  
Ахир, ҳаммаси ҳам  
Беролмагай тоб.  
Бирор саволимга  
Тополмай жавоб,  
Бул ҳаёт богида  
Сарсон аланглаб —  
Ўзим йиглаяпман  
Ўзимни тинглаб...

2002 йил.

## УМР ЎТАР

Кун ўтар, тунлар ўтар  
Шафқатсиз даврон ўтар,  
Ғоғиллар шод, аҳли ишқ  
Диллари вайрон ўтар.  
Бу ҳәёт савдоси бирлан  
Кун кўриб карвон ўтар.  
Етмайин гоҳ фаҳмига  
Итлари ҳайрон ўтар.

Яхшилар ўтди ҳақиқат  
Йўлида мардонавор,  
Нозли ёрнинг ишқида  
Кўзлари мастанавор,  
Бу жаҳон асроридан  
Бехабарлар бўлди хор.  
Ҳар он Тангри ёди бирла  
Тунларим бедор ўтар

Бўлмаган эрди бу хил,  
Ёмондан бундоқ ёмон,  
Дилда йўқ меҳру муҳаббат.  
Бир-биридан бадгумон.  
Танг қолурсиз келдими деб,  
Эй худо охир замон,  
Бул замона қайғусинда  
Ҳар куним бемор ўтар.

Хатми қуръон кунлари  
Тўпланиб ёшу қари,  
Дардлари нарху наво,  
Нас чайқовчи сингари.  
Эй дўстим, кўзингни оч,  
Сен булардан юр нари,  
Бул қавмнинг дардин тинглаб  
Кунларим бекор ўтар.

Умримиз мазмуни шул,  
Дам келиб эсган шамол  
Нега келдинг, не кетарсан,  
Берсалар охир савол,  
На қилурмиз сўзламакдин.  
Тил бўлиб қолганда лол  
Нилий самога термулиб  
Кўзларим гирён ўтар.

## ЯШАГИМ КЕЛАДИ

Яшагим келади, жўшиб яшагим,  
Ҳақсиз йўқсилларни олга бошласам.  
Улуг қоялардан нажот излагум,  
Уммонлар тўлганса, нигоҳ ташласам.

Чор атроф бий дала, йўқ бир тасалли,  
Билмайман кетурмиз, қаён, қай томон?!  
Бир зум бўломмадик қайғудан ҳоли –  
Нечун сукутдадир бу сирли осмон?

1990 йил.

## ЖАННАТМАКОН

Бу бизнинг еримиз, шу Ватан – бу биз,  
Онадай ардоқлаб кўтарар баланд.  
Дунёдан кетсақда яшар номимиз  
Фарзандлар улуглаб айлар сарбаланд!

## МАЛАК

Бир қалқиб, тин олди бу күхна дунё,  
Не гүзал орзулар бўлдилар сароб.  
Бир ажиб висолга ташнадир вужуд —  
Қолди юрагимда гүзал изтироб.

Ё ҳаёт, ё мамот, сачради сўзлар,  
Бир гүзал хәёллар қучди фалакни.  
Торгина кулбамда юрагим бўзлар:  
Сен қандай топурсан бундай малакни...

## БОРМИ?

Висолинг ҳажрида мендек девона борми,  
Менингдек бағри қон, ёт бегона борми?

Ёниб тутай десам офтобга йўл йўқ,  
Чилчироқ шамларга парвона борми?

Ҳажрингда бул кўнгил минг бора хароб,  
Бошгинам тегмаган остона борми?

Кўзларим йўлингда саргайди дилдор,  
Дилимга таскину паймона борми?

Йўлингда учраган йўлчилардан сўр,  
Ичинда мендай мард девона борми?

## ГУНОҲ

Кўшнингни ҳеч қачон сен ўгри тутма,  
Сенга туз берганнинг тузин унутма.  
Ёшлиқда қариллик гамини еб қол,  
Қаригач, ҳеч кимдан мурувват кутма.

Баъзан меҳрибону, гоҳида сангдил,  
Сирингни сўйлама бўлиб содда дил.  
Ўзинг асрамаган ноёб нарсани  
Қандайин сақласин бегона кўнгил.

Абадий яшайди ҳикматли сўзлар,  
Дўзахда чиригай ёлгончи гувоҳ!  
Не учун офтобни кўрмадинг дея —  
Сўқирни сўкмоқлик энг оғир гуноҳ.

Сен мендан баҳтлисан, мендан кучлисан,  
Мовий фазоларда қоқарсан қанот!  
Илло, сени ҳар гал сийлади тақдир —  
Мени жуда узоқ синади ҳаёт!

Қисмат бизни ташлади ҳар ён,  
Сендан мени этдилар жудо.  
Юрагимга ўйган исмингни —  
Үчирмасин ҳеч қачон Худо!

## АДОЛАТ ҚАСРИ

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг  
янги биноси очилиши муносабати билан қутлов.

Биздан фарзандларга қолсин яхши ном,  
Ватан сарҳадлари бўлсин деб обод.  
Самарқанд мардлари бўлиб жамулжам —  
Муҳташам кошона этдилар бунёд!

Шарқу гарб меъморин фикри аъмоли,  
Бир юлдуз фалакдан ерга учгандек.  
Хаёлни ўғирлар гўзал жамоли —  
Сулаймоннинг тахти ерга кўчгандек.

Мазлумлар бу ерда топурлар таскин,  
Бунда тараалгайдир эрк-иймон куйи.  
Ҳақини танигай шу жойда мискин —  
Нажот қалъаси бу, озодлик уйи!

Бунда Мотрудийнинг руҳи пойидор,  
Ҳақиқат маскани, қомусхонаси.  
Аҳли адолатга бўлгай намудор —  
Бу фиқҳ аҳлининг расадхонаси.

Кимдир дарахт экар, ким уйин бутлар,  
Шэирнинг ташвиши битмаган достон.  
Минг йиллик чинорлар бир-бирин қутлар,  
Ўғил кўрган каби қувнар Регистон.

*Чолатумо Ҷўйдошев*

---

Истиқлол нуридан Ватаним обод,  
Пок бўлди чанг босган кабиралари.  
Адолат қасрини этдилар бунёд —  
Мир Алишернинг набиралари!

2008 йил, 7 декабрь. Самарқанд.

## ТИЛАКЛАР

Эй дүстларим Сиз билан  
Еэларим ҳам қишиларим.  
Вафосизла ишим йўқ,  
Ўзгадир ташвишларим.

Мен Сиз билан ҳамиша,  
Ҳам ҳамдаму ҳамдардман.  
Бош эгмасман қариликка —  
Тўкилса ҳам тишларим.

Пешона терларимдан  
Роса пишган шу тупроқ,  
Масжидлар деворига  
Ишлатингиз гиштларим!

## ЎТГАН УМРИМ

На бойлик, на амал беролмас таскин,  
Ўтган умрим гўё тушдай туюлар,  
Ғанимлар наздида мен шўрлик, мискин.  
Гоҳо кўзларимдан ёшлар қуйилар,

Қалбимда хавотир, ҳадик жамланган,  
Юракни тинч қўймас исмсиз оғриқ.  
Кўзим қорачиги мудом намланган,  
Ҳаётим бир сирли тилсимга боғлиқ.

Бешумор туйгулар сигмас кўксимга,  
Қўлла дейман мени Худойим фақат!  
Ўша сир-синоат ўзимга аён —  
Ул гўзал тилсимнинг номи муҳаббат.

## АДОЛАТ ЙУЛИ

*Алишер акага*

Умр карвон, манзиллари асотир,  
Бу йўллардан ўтган қанча баҳодир.  
Адолат бўлмаса рўшно топмассан —  
Адолатдан ўзга бари хатодир.

Ошиқ аҳли билгай ошиқ дардини,  
Аҳлу эҳсон оширгай эл қадрини.  
Босган изи эзгуликка йўғрилган —  
Ким танимас Алишердай Мардини.

Ҳақ йўлида ким йигласа зору зор,  
Нур бўлади, ҳар лаҳзаси, ҳар они.  
Оқил инсон бўлур әлга ғамгузор,  
Дилида ишқ, юрагида қуръони.

Қайда бўлса яхшиларга бош бўлиб,  
Яшадингиз оқилларга пеш бўлиб,  
Олтмишни ҳам забт этибсиз бехато,  
Умр бўйи адолатга эш бўлиб.

Қирқ ёшида йигит етар камолга,  
Сиз чиқдингиз беш мучаллик висолга.  
Истиқболда ҳали қанча довон бор,  
Эзгу ишлар юз тутмагай заволга.

Мустақиллик мангуликка пойдевор,  
Элимизга насиб бўлди шул дийдор.  
Бу тўйларга улушингиз беқиёс,  
Сиз ҳар қанча эҳтиромга сазовор.

Юрт ишончин оқламоқлик шон-шараф,  
Ватан әл-юрт хизматига йўқ тараф.  
Не улуглар қаторида ўрнингиз,  
Шу шарафга Сиз бўлибсиз мушарраф!

## МУБОРАК

*18 октябрь — Самарқанд кунига бағишлиов*

Ўтиб борар асрлар ҳаёт отлиғ даврондан,  
Хурриятла бошланган улуг сафли карвондан,  
Тақдирини яратди нурда оппоқ хиомондан,  
Хирмонлардан юксалган чинор бўйинг муборак,  
Қасрларни бўйлаган улуг тўйинг муборак!

Фотиҳларнинг фатҳидан чандиқ тарих бадани,  
Сайқал топди пойингда алломалар қадами,  
Ер юзининг кўркидир Самарқанднинг маъдани,  
Хирмонлардан юксалган чинор бўйинг муборак,  
Асрларни бўйлаган улуг тўйинг муборак!

Таърифингни ракамлар уч минг йиллик ораси,  
Қадим Сўғднинг фаҳриду ҳар битта алломаси,  
Пайгамбарнинг лафзида шоёндир дилномаси,  
Хирмонлардан юксалган чинор бўйинг муборак,  
Насрларга жо бўлган улуг тўйинг муборак!

Истиқлолнинг рамзидир қўкупар хирмонимиз,  
Дастурхонга кўрк берар пахта, галла — донимиз,  
Юзимиз кундай равшан, бегубор осмонимиз,  
Хирмонлардан юксалган чинор бўйинг муборак,  
Назмларга эмиқдош улуг тўйинг муборак!

## НИМА ЗЎР?

Бу дунёда нима зўр?  
Лаҳм гўштдан думба зўр.  
Сассиқ балиқ шўрвадан,  
Илик ёғли гўмма зўр.

Сўрайверсанг нима зўр,  
Кўчкор яхши, тана зўр.  
Талайдиган бургадан,  
Чақмайдиган кана зўр.

Пул яхшию олтин зўр,  
Газ йўгида ўтин зўр.  
Хаёлдаги паридан,  
Уйингдаги хотин зўр.

Бобом дейди, амманг зўр,  
Хотин авлод ҳамманг зўр.  
Неваралар тантигу —  
Эркалашга момонг зўр.

Ўлим зўрми-ҳаёт зўр,  
Айтсам битта баёт зўр.  
Ўлганларга кенг мозор,  
Тирикларга ҳаёт зўр!

## НАБИРАМ ЖАҲОНГИРГА

Минг йилда бир келар битта баҳодир,  
Балки у бўлажак соҳибқирондир!  
Бешикдан мўралар тенгсиз жавоҳир —  
Бобосининг эркатойи Жаҳонгир!

Ҳайратга тўладир чўғдай кўзлари,  
Булбул нағмасига эшдир сўзлари.  
Янги чиққан ойга ўхшар юзлари,  
Бобосининг эркатойи Жаҳонгир!

Онасин дилбанди, ота қувончи,  
Бувиси толиқса, дасти-суянчи,  
Улгаяр Ватанинг қалқон таянчи,  
Бобосининг эркатойи Жаҳонгир!

Жажжи қўлчаларин силкир саломгир,  
Дангл таржимаси шу — Владимир,  
Ҳафизам, шул эрканг бўлар оламгир —  
Бобосининг эркатойи Жаҳонгир!

17.03.2012 й.

## КИМ БИРОВНИ СОТСА

*“Қайси бир ҳалқнинг ичида жиноят ва гуноҳ иш  
қилувчилардан кўра ҳилмайдиганлар кўп ва кучли  
бўлатуриб, уларни тийиб қўймасалар, Тангрининг  
офати ҳаммаларига баробар бўлади...”  
Ҳадисдан.*

Ким бирорни сотса, сотар ўзини,  
Сенинг келинингдир қўшнинг келини.  
Унутма бир камтар шоир сўзини —  
Ким бирорни сотса, сотар элинини!

Унутма, ер сотган эркак бўлмагай,  
Ватанфурӯш элга тиргак бўлмагай.  
Мардларнинг боғлари асло сўлмагай —  
Ким бирорни сотса, сотар элинини!

Энг улуг неъматдир тоза бугдой нон,  
Элим деб, юртим деб яшар мард инсон!  
Сенинг қилимишингдан юрак бағрим қон —  
Ким бирорни сотса, сотар элинини!

Балки, одам сотиб бойиб кетарсан,  
Ҳаром бойликларни тўплаб нетарсан.  
Илло, қил кўприқда тойиб кетарсан —  
Ким бирорни сотса, сотар элинини!

Нафси юҳоларнинг кўзлари тўймас,  
Элин сотганларнинг эли ҳам бўлмас,  
Нафақат белбоги, бели ҳам бўлмас —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

Нафақат биронни, ўзингни сотдинг,  
Ҳаром луқмаларни шимирдинг, тотдинг,  
Дўзах оловига бус-бутун ботдинг —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

Биронни қул қилиб, ким озод бўлган,  
Тирик чогидаёқ руҳлари ўлган.  
Асли, бу дунёда насибанг тўлган —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

Кўксимда титради газабдан ёлим,  
Нафсига зўрларинг фарзандмас элим!  
Қалби пок инсоннинг душмани золим —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

Ҳатто чумоли ҳам бир-бирин қўллар,  
Фақат сеникимас бул қадим йўллар,  
Жаҳолатдан титрар сен юрган йўллар —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

Энди бу Ватанда макон йўқ сенга,  
Гуноҳингни ювар уммон йўқ сенга,  
Сўзларим панд эмас, олов ўқ сенга —  
Ким биронни сотса, сотар элинни!

*Исламатуло Үйлдошев* -----

Мудом қонун борки, дунё жиловдор,  
Хоин ҳақиқатга бўлмас яловдор,  
Сотқинларнинг ризқи қилич ила дор —  
Ким биронни сотса, сотар элини!

Эй нафснинг қули, олчоқ, хоин — қўтироқ,  
Одамфуруш тавқи сенга тақинчиқоқ,  
Сўнгги бор далангга тўйиб-тўйиб боқ —  
Ким биронни сотса, сотар элини!

## БОЗОР

Жаҳон бозоридан либос ахтардим,  
Молин мақтаб, аврар жами савдогар.  
Барча молларингни сотиб олурман,  
Бозиргон кўрмаган мендек харидор!

Мен ҳам ўз мслимни сотмогим даркор,  
Уни сотолмасман ҳеч кимга бироқ.  
Дунё бозорида мен бир мардикор —  
Ҳеч кимга керакмас, нурсиз шамчироқ.

## ГУЛОЙИМ

Нигоҳларинг жоним, бунча мулоийим,  
Бўлса ҳамки қайда қиёмат қойим,  
Сенга кўз тегмасин, дейман илойим —  
Сенга кўз тегмасин жоним гулойим!

Ҳуснига маҳлиё, ҳалак ўзингсан,  
Дунёда тенги йўқ малак ўзингсан,  
Сени сог асрасин доим худойим —  
Сенга кўз тегмасин жоним гулойим!

Ёр учун жон бермоқ мардларнинг иши,  
Ошиқнинг бормикан бошқа ташвиши,  
Сен учун жонимни қурбон қилойин —  
Сенга кўз тегмасин жоним гулойим!

Гоҳида нозланиб шўхлик қилурсан,  
Жаллоддай багримни бир-бир тилурсан,  
Қайди юрганингни ўзим билойин —  
Сенга кўз тегмасин жоним гулойим!

1998 йил.

## ПОРАЛАР

Ганим бирла пешма-пеш,  
ёр дилимни поралар,  
Гар ўзингдан чиқса ёв  
борми дўстлар чоралар?!

Оёқ синса тузатар  
синчилар тахта боғлаб,  
Неки қилсан тузалмас  
кўксимдаги яралар.

Бир кун сени қўрмасам  
кундуэим тун дер эдинг,  
Не қилса қилди бизни  
кўнгли бузук қоралар.

## АЗАЛИЙ ТАҚДИР

Ой ила қун талошар энди,  
Қисмат отлиғ азалий тақдир.  
Ишқ майидан юрак тўлгонди,  
Вужудимиз бамисли тандир.

Булутлардан юарман баланд,  
Осмон узра паришон-маъюс.  
Камалак ҳам бўлолмас каманд,  
Қаро қисмат келса юзма-юз.

## ИЛОХИЙ ДУНЁ

Кўкдэ қушлар этурлар парвоз,  
Булат ила қўнишар само.  
Таралади бир сирли овоз —  
Бу қандоқ сир, илоҳий дунё?!

Борадурман, ёлгизу танҳо,  
Киприкларим босгандир қиров.  
Ортимиздан қузатмас ҳеч ким,  
Олдинда ҳам кутмайди бирор.

## ОГОХ

Одам Ота эрур одамзот боши,  
Неча бор ёрилиб, согайган боши,  
Момо Ҳаво қизи қаламқошдир оҳ —  
Ул қайси хабардан бўлгандир огоҳ?!

Бу жаҳон аслида омонат айвон,  
Шу айвон ичинда яшадик ҳайрон,  
Дастимииздан бўлди бу жаҳон вайрон —  
Сиз қайси хабардан бўлгансиз огоҳ?!

Дунёга тўймадик, завқини тотиб,  
Рўзгор деб аталган ароба тортиб,  
На бировга етиб, на ўздан ортиб —  
Биз қайси хабардан бўлганимиз огоҳ?!

Жаҳон сарватига бамисли шоҳмиз,  
Аслида нотавон, гофил гумроҳмиз,  
Бонг уриб, додлаймиз — мудом огоҳмиз —  
Сиз қайси хабардан бўлгансиз огоҳ?!

Дунёнинг сирлари Ўзидан аён,  
У улуг китобда этилган баён,  
Қачон ўларимиз билсайдик шоён —  
Биз бирор хабардан бўлардик огоҳ.

## СЕНДА ЗУҲУР

Сенда зуҳур Лайли қисмати,  
Қайс қисмати менинг қисматим,  
Ахир, бир бор айтмадинг гулим —  
Согиндимку сени Исматим!

Дардим айтсам додладику тош,  
Тун ҳам суймас мени бағритош,  
Демадингку ахир қаламқош —  
Согиндимку сени Исматим!

Тамом бўлди севги ғамбода,  
Чайқалади қадаҳда бода,  
Бу лўттибоз қари дунёда —  
Согиндимку сени қисматим!

## СЕВАР ЭКАН

Севар экан дилдорим,  
Йиглармиди севмаса.  
Севмайди деб ўйлабман,  
Бир бор бўса бермаса...

## ТАЪМАГИР

Ҳолинг оғир бўлса, қўллайман, дейди,  
Энг тўғри йўлларга йўллайман, дейди.  
Барча сирларингдан хабардор бўлгач,  
Керакли жойларга сўйлайман, дейди.

## РУБОИЙЛАР

Хунар ярашгайдур ҳар қандай ёшга,  
Онгингга ўринашар ўйгандек тошга.  
Беилму ҳунарсиз улгайса боланг,  
Дил тошга айланар, балодир бошга.

\* \* \*

Умркинг фараҳбахш кунлари кўпдир,  
Тўйларга туташган кунлари кўпдир,  
Яхшилик касб айла илкингдан келса —  
Бу ҳаётнинг қора тунлари кўпдир.

\* \* \*

Ўзингни камтар тут, ўзингни хок бил,  
Инсонлик зийнатин доимо пок бил.  
Сени маҳлукотдан фарқ этар фазлинг —  
Инсоний қалб ила ақлу идрок бил.

\* \* \*

Кўзлар қувонч топсин боқса кўзингга,  
Дўстлар гадо бўлсин доно сўзингта.  
Бундай мартабага соҳиб бўлмоқчун,  
Яхшироқ қараб ол аввал ўзингта.

\* \* \*

Ҳаётинг осмони мунавварлиги,  
Қалбларнинг шодлиги, музafferлиги,  
Ўтганларнинг руҳи қўллаб турипти —  
Шундадир омадинг мұяссарлиги.

\* \* \*

Мардларнинг бағри кенг, әлга меҳри бор,  
Нокаслар нафс қули, золим бадкирдор.  
Ҳар кимнинг ўз йўли, феълу аъмоли —  
Шунга қараб бўлар Оллоҳ мададкор.

\* \* \*

Ҳалоллик маҳсули — хотиржам юриш,  
Манманлик келтирар бошга кўп ташвиш.  
Ҳачир от бўлай деб уриниб кўрди —  
Шундан аримайди бошидан шўриш.

\* \* \*

Элга ҳамнафас бўл, эл меҳрига ел,  
Ҳалқ газаби тошса бамисоли сел.  
Таъзия билдирамас бирон-бир подшо,  
Ўлсанг тобутингни кўтарар шу эл.

\* \* \*

Яхшилаб тикилсанг ҳар тўрт томонга,  
Офтоб нурин сочар яхши-ёмонга.  
Атиргул нечоғлик гўзал бўлмасин,  
Пайкон бўлолмайди таранг камонга.

\* \* \*

Дилимда бетимсол марҳаматлар бор,  
Зотан, бир гарифман илтифотга зор.  
Худойим қалбимга ёғду тараттан —  
Шу улуг карамдан руҳим улугвор.

## *Чалатумъю Ӯйгунчөө*

---

\* \* \*

Мен Сизнинг тарафман, событман доим,  
Ҳатто бўлса ҳамки қиёмат қойим.  
Эзгулик нурига қалбим йўгрилган,  
Яхшилик хокидан қорилган лойим.

\* \* \*

Инсоннинг кўнглини кўтарар инсон,  
Яхшининг кутгани ҳамиша мәҳмон.  
Дўстлар бир-бирига тиргакдир мудом —  
Ўгрининг мезбони ўгри бегумон.

\* \* \*

Дўстлар оқибатни билмаса қийин,  
Оқилга итоат қилмаса қийин.  
Бандаси ҳар турли ўйин қилмасин —  
Худо назарига илмаса қийин.

\* \* \*

Одам бўларми, деб маймунча боқди,  
Пок ният йўлида кўз тумор тақди.  
Қазисан, қартасан дегани шуда —  
Маймун томга чиқиб ногора қоқди.

\* \* \*

Бу олам турфа хил, одамлари турфадир,  
Ҳатто йиқилгани туртиб, тепиб ўтадир.  
Бу дунёга келдингми, Ҳақнинг сўзин тингла,  
Худони билмаган аросатда йўртадир.

\* \* \*

Кимки ҳалол ишлаб, зарра дон топди,  
Ризеки бутун бўлди, билки шон топди.  
Кимки чиябўри йўлини тутди —  
Бўрига дуч келди ва ҳаром қотди.

\* \* \*

Ишинг юришмайди бўлмаса хоҳиш,  
Истасанг имконни, мумкиндир топиш.  
Ҳаёт чаҳрпалаги шунчалик пухта —  
Очган эшигингни лозимдир ёпиш.

\* \* \*

Кимнинг ҳар азобга тоқати бордир,  
Билки оқибатда роҳати бордир.  
Енгил-елпи юрма, лўттибоз бўлма —  
Пушти камарингта касрати бордир.

\* \* \*

Ҳаётда нотавон бечоралар бор,  
Асло ўзларини этмайди ошкор.  
Нимадан қўрқасан, десам гезариб —  
Дейди сен сўрама, сабаби бисёр!

\* \* \*

Пазанда пиширар арпадан патир,  
Зироат аҳлининг кезгани адир.  
Ким ота касбини давом эттирса,  
Эл ичра улуғлик қадр топгайдир.

\* \* \*

Висолга талпинсанг бўлгайдир яна яқин,  
Баҳорнинг байрамидир дўл, ёмғир ила чақин.  
Бул кўхна ҳаётни ўшартириб, ёндирап —  
Ошиқлар қалбида порлаган ёлқин.

\* \* \*

Қадоига йиглади, қорнига эмас,  
Давраю майшат, ўрнига эмас.  
Лекин гишт қолипдан кўчиб бўлганди —  
Эътибордан қолди ўша нон емас.

\* \* \*

Баъзида ўзимдан хафа бўламан,  
Баъзан қувонаман, гамга тўламан,  
Олтиндай дамларим елга соврилди —  
Баъзида йигласам, гоҳо куламан.

\* \* \*

Ўзининг элида ҳар инсон азиз,  
Омонат дунёда ҳар имкон азиз.  
Қадаҳни кўтариб яхши сўз гапир —  
Меҳмон азиз бўлса, мезбон ҳам азиэ!

\* \* \*

Кимнидир қийнайди мудом ўйқилик,  
Дунёни бузса ҳам яхши тўйчилик.  
Таҳорат олай деб шошилар мўмин —  
Ароқхўр май ичиб қилар шўхчилик.

\* \* \*

Ҳар битта меванинг турфа ранги бор,  
Ҳаттокази, нурнинг ҳам шаффоф чангиги бор.  
Жон бериб етурсан охир висолга —  
Кечиксанг ўзгалар бўлар харидор.

\* \* \*

Кичикни кичик де, каттани катта,  
Улар ўртасида бўлмагил латта.  
Аввало ўзингнинг қадрингни билгил —  
Бўлмаса қўлингта тугишар патта.

\* \* \*

Ёвлашган бандани ажратмоқ қийин,  
Ногора чалганга тушмагил ўйин.  
Ҳар жойда хушёр бўл, сирингни берма —  
Ўзингни фош қилсанг обрўнг бир тийин.

\* \* \*

Қўшнинг деворидан боқма, қарама,  
Белингга камар деб арқон ўрама.  
Емоққа бир бурда қотган нон борми —  
Асло бандасидан ёрдам сўрама.

\* \* \*

Бирорлар кўп оқил, уста бўлади.  
Бирорлар ёлғондан хаста бўлади.  
Дудуқланиб қолар аслинг ким десанг —  
На пичноқ бўлар, на даста бўлади.

*Чолатумио Шўйдосов*

---

\* \* \*

Капалак шунчаки эмас бир жонзод,  
Ураган ҳар гўзал эмас паризод.  
Ҳаттоқи гиёҳнинг фикри, ўйи бор —  
Топтасанг, оҳ чекиб, уради фарёд.

\* \* \*

Бир ҳазин гичирлаб илдиэ эзииди,  
Дараҳтининг томири йиглаб узииди.  
Бу богда аслида дараҳт кўп бироқ,  
Баҳор келганида ўрни сезилди.

\* \* \*

Бегубор шу осмон — бизнинг кўкимиз,  
Бетимсол шул Ватан бизнинг кўркимиз.  
Тангрининг берган шу марҳаматидан  
Тоғ қадар юксалар ҳар кун кўксимиз.

\* \* \*

Одамни ҳамиша қийнайди армон,  
Барига Яратган беради фармон.  
Умрингга раводир қандай яшасанг —  
Мехнат қандай бўлса, шундайдир хирмон.

\* \* \*

Савдода адолат бўлмоғи қийин,  
Савдогар ҳижолат бўлмоғи қийин.  
Олди-сотди асли шайтон ўйини —  
Ниятлар ижобат бўлмоғи қийин.

\* \* \*

Бир одам шошилиб учмоққа ҳозир,  
Бириси одимлар бамайлихотир.  
Манзилга етади олдинма кейин —  
Бири ботир бўлиб, бириси шотир.

\* \* \*

Бошингга етмасин бул бурро тилинг,  
Агар тавба қилсанг кечирар элинг.  
Агарда фақирга гирромлик қилсанг —  
Маломат юкидан синади белинг.

\* \* \*

Кимнинг кўнгли ярим, кимники бутун,  
Кимнинг кўнгли равшан, кимники тутун.  
Элингга борингни, умрингни бахш эт —  
Гуноҳингдан бўлсин савобинг устун.

\* \* \*

Ногаҳон кўчада тўхтатиб бир дам,  
Мусофир сўраса бирон бир ёрдам.  
Унинг мушкулини айласанг осон —  
Демакки ҳалиям экансан сдам.

\* \* \*

Чумолига қара, барчаси чопқир, .  
Чарчамай дон излар абжир ва топқир.  
Бир бўлиб ёпишса филни қулатар —  
Чумолидан ўрган барака топгир.

*Чолатулио Үйлдишев* =====

\* \* \*

Ҳар тонгни қаршила ширин сўз ила,  
Рўзгоринг обод қил ҳалол туз ила.  
Умрингдан неча йил, ё лаҳза қолди —  
Дунёни қаршила ёрут юз ила.

\* \* \*

Анча йил яшади, ақли кирмади,  
Оқиллар сўзига қулоқ илмади.  
Шундай яшаб ўтди бир гофил банда —  
Ўликми, тирикми ҳеч ким билмади.

\* \* \*

Олимлар илмдан ҳуэур топарлар,  
Хушхабар келтирап яхши чопарлар,  
Дўстларга ҳамиша хушхабар етказ —  
Ақлсиз бошларни дорга тортарлар.

\* \* \*

Ҳаром топиб, бўлдинг текинхўр,  
Амал олиб бўлдинг муштумзўр.  
Эл қаргиши бошингга етди —  
Берган тузи сени қилди кўр.

\* \* \*

У улгайиб етди йигит ёшига,  
Оғир кунлар келди бир кун бошига.  
Шунда жон кўзига ширин кўринди —  
Рўмол ўраб юрди эркак бошига.

\* \* \*

Боши эгилмасин йигитнинг бехос,  
 Гўё қулагандек юксакдан дорбоз.  
 Гурурин топталса, дили ранжиса —  
 Ҳатто макиёнга қарамас хўро.

\* \* \*

Полапон ортидан қуш ҳам мистардир,  
 Оналар фарзанддан меҳр истайдир,  
 Дажжола келинлар эрини тезлаб —  
 Онангни ҳайда, деб қўймай қистайдир.

\* \* \*

Умрингда қўним йўқ қолсанг Ватансиз,  
 Жасадинг итларга қолар маконсиз.  
 Ватанинг юзига ким оёқ босса —  
 Оташга тортилар гўрсиз, кафансиз.

\* \* \*

Ватанин севмаса туғилиб инсон,  
 У кимдир, одамми ва ёки ҳайвон?  
 Ҳаттоки чумоли қизғанар инин,  
 Уясига ташир топса битта дон.

\* \* \*

Ким оёқ қўйса гар Ватан юзига, .  
 Учса ганимларнинг алдов сўзига.  
 Гўрков ҳам топилмас қазгани мозор,  
 Қабр тайёрласин ўлмай ўзига.

## *Чолатуми Ҷўйдошев*

\* \* \*

Аъмолинг хуш бўлса, сабру саботдир,  
Яхши инсонларга мансаб қанотдир.  
Обрў топмоқ истар эрсанг дунёда,  
Гар элинг алқаса, шул чин ҳаётдир.

\* \* \*

Таажжубдан баъзан ёқа тутаман,  
Бўри кўқрагидан эҳсон кутаман.  
Нафсиға қул бўлса биронта дўстим —  
Аллоҳдан диёнат сўраб ўтаман.

\* \* \*

Онангни отангга бежаб кўрсатма,  
Борингни бозор қил, тежаб кўрсатма.  
Шайтонга йўлиқма — баҳтга қўниқма —  
Сенга дастак ушбу ажаб кўрсатма.

\* \* \*

Яхшилардан қолар яхши хотира,  
Енгилтак ҳаётни истама сира.  
Қабринг тепасида одамлар десин —  
У дунёдан кетди қалби бокира.

\* \* \*

Одам бандасида кўп эрур нуқсон,  
Бировларнинг нафси мисоли ўпқон.  
Тузоққа тушганда кўп фарёд этар —  
Оёғини сиқиб синдирса қопқон.

\* \* \*

Тергадилар, билганидан қолмади,  
Бебош бўлиб, насиҳатни олмади.  
Жиноят устида қўлга олдилар —  
Тавбасига ҳеч ким қулоқ солмади.

\* \* \*

Ақлу шуур ила виждан забардаст,  
Бирлашса, заминни кўтаради даст.  
Шундан устувордир джёнат, иймон —  
Садоқат севгига бўлганда пайваст.

\* \* \*

Айни қирчиллама, навқирон ёшинг,  
Сени ардоқласин ул қалам қошинг.  
Меҳр тарқ этмасин қалбингни дўстим,  
Доим омон бўлсин шу олтин бошинг.

\* \* \*

Ўзага панд бериб, тўғри бўл, дейди,  
Тўғриларни авом, эгри қўл, дейди,  
Ўзининг нақлига амал қилмайди,  
Мен учун фарқи йўқ ўнгу сўл дейди.

\* \* \*

Ҳисоби барҳақдир ҳар лаҳза, оннинг,  
Бир чўп ё қумурсқа, жонсизу жоннинг.  
Барига эътибор, эъзоzdá бўлгин,  
Аввало қадрин бил ҳар бир инсоннинг.

## *Исматуло Ҳўҷошев*

\* \* \*

Бахтинг шу, бурчингни адо этолсанг,  
Ватанга жонингни фидо этолсанг,  
Ота бирла Онанг дуосин олиб,  
Элга хизмат қилиб ризо этолсанг.

\* \* \*

Энг ночор аҳволда қолганингда ҳам,  
Нокас кимсалардан сўрама ёрдам.  
Пасткашлар қошида эгилган бошни,  
Кўтариб юрмоқлик оғир, эй одам!

\* \* \*

Тупроқ-ла тенг юрар оёғинг билсанг,  
Нурга талпинади ёногинг билсанг.  
Садоқат эҳсондан қимматли дур йўқ —  
Мардлигинг энг кучли ярогинг билсанг.

\* \* \*

Кимгадир қўл чўэди, кимдандир юлди,  
Ким юкин кўтарди, кимга юк бўлди.  
Инсонни бўлди у тоифаларга —  
Оқибат ўзи ҳам бўлинниб ўлди.

\* \* \*

Қалбингта иймонни ёр айла, ўглон,  
Диёнат ишига қўл шайла, ўглон.  
Инсонга бекёёс имкон берилган —  
Ватаннинг богини авайла ўглон.

\* \* \*

Сен меҳмонсан, бу дунё мезбон,  
 Истагинг бағрида муҳайё ҳар он.  
 Бурчимиз Ватанин асралоқ агад —  
 Шу йўлда бўламиз қиличу қалқон.

\* \* \*

Ватан ҳақ сўзингдир, сўзингни асра,  
 Ватан — бу юзингдир, юзингни асра.  
 Ватан — бу заррадан уммёнга қадар —  
 Асли дил розингдир, розингни асра.

\* \* \*

Ватан деб жон берди Тўмарис, Широқ,  
 Ватан деб Бобурнинг жисмида Фироқ.  
 Қалбаги ҳарорат Ватан меҳридан —  
 Буни билмагандан ўлган яхшироқ.

\* \* \*

Давлатинг кўпайса, ошмагил ҳаддан,  
 Ҳимматинг паст эрур бир фақир марддан.  
 Мудом йигиб-тутдинг, хайр қилмадинг —  
 Сени Ҳақ сақласин дуойбаддан.

\* \* \*

Тупроққа термулдим, согинчим билди,  
 Ҳар гиёҳ, капалак овунчим бўлди.  
 Осмонга қарасам қушлар учарди —  
 Менга пешвоз чиққан бир гунча кулди.

## *Часатулии Ҳўйлошев*

---

\* \* \*

Тошнинг-да жони бор, ҳали билмайсан,  
Сенга бир гап айтай, лекин кулмайсан.  
Бошинг тошдан бўлсин, деган ҳикмат бор —  
Шундан бошинг тошга тесга ўлмайсан.

\* \* \*

Гофиллар бошини ҳар томон урар,  
Умрини бесамар елга совурар.  
Эй нодон, соатдан ибрат олсангчи —  
Кечаю кундузи олдинга юрар.

\* \* \*

Боғбон гулларини қиласар парвариш,  
Қўшикқа сингдирап дардини дарвиш.  
Дунёга келиб бир кўчат экмадинг —  
Бегамлик бошингга келтирап ташвиш.

\* \* \*

Яхши — ёмон қунлар бари синовдир,  
Ҳалол меҳнат қилсанг бахтга гаровдир.  
Бекорчидан ҳатто Ҳудо безормишиш —  
Танбал эркакларга хотин эговдир.

\* \* \*

Эзгуликни ниқоб қиласар ёлгончи,  
Билсанг, тўгри сўз ҳам мисоли қамчи.  
Туйгусиз юрагинг санг бўлиб кетган —  
Дейсан, гуноҳларим дарёдан томчи.

\* \* \*

Камтар камолини изла, топасан,  
Хақнинг жамолини изла, топасан  
Муродга етмоқни яхши ният қил —  
Ризқу-рўз ҳалолини изла, топасан.

\* \* \*

Фарзанди туғиљди нопок йўл билан,  
Едириб-ичирди ҳаром пул билан.  
Қизи ҳам улгайди, кўринди кўзга,  
Умрини ўтказди қўлма-қўл билан.

\* \* \*

Бу гўзал чечаклар саргаяр, сўлар,  
Томчилар тўпланиб дарёлар тўлар.  
Кўзи тўқ одамнинг сабри устувор —  
Дейдилар, еб тўймас ҳайитда ўлар.

\* \* \*

Қумри бўлолмайди асли насли зор,  
Чиранса, туширап аждодига дор.  
Отангнинг чорбогин парвариш айла —  
Сендан фарзандларга қолсин яхши бог.

\* \* \*

Эй банда, сен кезган жойлар кўп нопок,  
Кўзингга суртганинг ойлар кўп нопок.  
Охиратинг ўйлаб ҳалол маскан қур —  
Исқирт гўшаларда бўлмагин ҳалок.

\* \* \*

Шифокорга чўпон бошлиқ бўлипти,  
Бечора беморнинг кўзин ўйипти,  
Қачон эшиштаман чин ҳақиқатни -  
Ўгрилар тўғрига ҳайкал қўйипти?!

\* \* \*

Қушни қанотлари парвоз этказар,  
Ширин сўз юракдан губор кетказар,  
Якка от на шуҳрат, довруқ таратмас -  
Мурод-мақсадингга дўстлар етказар.

\* \* \*

Дунёни тарқ этди бир зот батамом,  
Бутун эл кўрсатар ҳануз эҳтиром.  
Ўшал зот Ҳудонинг суйған бандаси -  
Яхшиларининг умри бўлур бардавом.

\* \* \*

Тун билан тонг гўё туташ эгизак,  
Юлдузлар Ҳилолга гўзал канизак.  
Самони ёритган қуёш камтарин -  
Бўронни тан олмас совуқ елвизак.

\* \* \*

Ҳаётда хуш кечган дамлар ганимат,  
Шодликдан кўзларда намлар ганимат.  
Ганимат дунёда одам одамга -  
Тўқчилик, йўқчилик камлар ганимат.

\* \* \*

Тонг қувончи нақадар ҳузур,  
Дунё гўзаллиги саҳарда зуҳур.  
Бегубор ёғдулар таралар аста —  
Дилмарни поклайди бу гўзал сурур.

\* \* \*

Дунёнинг синоат, сири ўзгача,  
Ҳайрати бисёрдир қошу кўзгача.  
Бу ёруг оламга ташрифинг нечун —  
Англасанг, яшайсан токи юзгача.

\* \* \*

Кули бўлганингча ёвуз золимнинг,  
Ити бўлган яхши дониш олимнинг.  
Самимий бир дўстни топиб олсайдим —  
Барини берардим топган молимнинг.

\* \* \*

Гулханга тўладир кўкрак қафасим,  
Яна гуриллайди сал эсса насим.  
Ёнимдан эҳтиёт бўлиб ўт дўстим —  
Ёниб кетма дейман тегиб нафасим.

\* \* \*

Ёмонлар нималар демас, севгилим.,  
Ишқисизлар одам ҳам эмас, севгилим.  
Бизнинг қалбимиздан бошланар баҳор,  
Қолганлар биз каби севмас, севгилим.

\* \* \*

Донишманд кўрсатиб ҳамма ўзини,  
Сабра тинглайди аҳмоқ сўзини.  
Мунофиқни сийлаб, қўкка кўтариб —  
Алдаб яшаётир барча ўзини.

\* \* \*

Ҳамон бу дунёда жаҳолат ҳоким,  
Шубҳа билан қарар дўстига ҳар ким.  
Одамлар бир-бирин иойлаб яласа —  
Қандай ажратамиз ўгри ким, гар ким?

\* \* \*

Минбарда тугилиб, минбарда ўлди,  
Сурати тим қора тошга ўйилди.  
Излаб қолмасин деб минбарни яна —  
Қабри тепасига минбар қўйилди.

\* \* \*

Бир куни учрашиб қоламиз ҳали,  
Бир-бировга назар соламиз ҳали.  
Ёниб севганимиз ёдга тушади —  
Оғир хаёлларга толамиз ҳали.

\* \* \*

Ҳеч кимда йўқ нарса бари сенда бор,  
Сени шу нарсалар қилди хору зор.  
Сенда бор нарсанинг бизда бири йўқ —  
Биз шу йўқ нарсадан бўлдик баҳтиёр.

## МУНДАРИЖА

Күш тили . . . . .	3
Дийдор . . . . .	4
Туз ҳақи . . . . .	4
Қутлов . . . . .	5
Багишлов . . . . .	6
Муслимбек . . . . .	8
Қутловнома . . . . .	9
Адолат шамшири . . . . .	10
Аҳад Эҳсон . . . . .	13
Қонун посбонлари . . . . .	15
Умр савдоси . . . . .	18
Ўзимни тинглаб. . . . .	19
Умр ўтар . . . . .	23
Яшагим келади . . . . .	25
Жаннатмакон . . . . .	25
Малак . . . . .	26
Борми . . . . .	27
Гуноҳ . . . . .	28
Адолат қасри . . . . .	29
Тилаклар . . . . .	31
Ўтган умрим . . . . .	32
Адолат йўли . . . . .	33
Муборак . . . . .	35
Нима зўр . . . . .	36
Набирам Жаҳонгирга . . . . .	37
Ким бирони сотса . . . . .	38
Бозор . . . . .	41
Гулойим. . . . .	42
Поралар . . . . .	43
Азалий тақдир . . . . .	44
Илоҳий дунё . . . . .	44
Оғоҳ . . . . .	45
Сенда зухур . . . . .	46
Севар экан . . . . .	47
Таъмагир . . . . .	47
Рубонийлар . . . . .	48

**Адабий-бадиий нашр**

**Исматулло Йўлдошев**

## **ЎЗИМНИ ТИНГЛАБ**

**Самарқанд, "Zarafshon" нашриёти ДК, 2014. – 68 6.**

**Муҳаррир:** Ҳайрулло Ҳамро.

**Мусаҳҳих:** Гулнора Ҳолдорова.

**Саҳифаловчи:** Вазира Абдусаломова.

**Нашриёт лицензияси AI №153, 14.08.2013 й.**

**Теришга берилди: 02.02.2014 й. Босишга руҳсат этилди: 27.02.2014 й.**

**Офсет босма қогози. Қоғоз бичими 60x84 1/16. «Academy» гарнитураси.**

**Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт таб. 2.0. Шартли б.т. 4,25**

**Адади: 200 нусха. Буюртма 4. Баҳоси келишилган нархда.**

**"Zarafshon" нашриётида нашрга тайёрланди.**

**140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кӯчаси, 12-үй.**

**Тел.: (+99876) 235-28-40**

**e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz**

**ISBN: 978-9943-385-94-8**

**"Nafis poligraf servis" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Буюк ипак йўли кӯчаси, 67-А.**